



## SCIENTIFIC AND THEORETICAL ANALYSIS OF THE CONCEPT OF PUBLIC SECURITY

**Turayev Jurabek Shonazarovich**

Independent Researcher at the Academy of the Ministry of  
Internal Affairs

<https://doi.org/10.5281/zenodo.18920185>

### ARTICLE INFO

Received: 05<sup>th</sup> March 2026

Accepted: 08<sup>th</sup> March 2026

Online: 09<sup>th</sup> March 2026

### KEYWORDS

“public security”, “public order”, “legal norms”, “moral norms”, “state security”, “law enforcement agencies”.

### ABSTRACT

*This article analyzes the scientific and theoretical foundations of the concepts of public security and public order. The scientific works, views, and opinions of national and foreign legal scholars on this issue are comprehensively studied and analyzed. In addition, a comparative analysis of modern scholars' approaches to the concept of public security is conducted. It is substantiated that there is no unified approach to defining public security in scientific literature, and its content is interpreted depending on various factors and threats.*

## ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИ ТУШУНЧАСИНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ ТАҲЛИЛИ

**Тураев Жўрабек Шоназарович**

ИИБ Академияси мустақил изланувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.18920185>

### ARTICLE INFO

Received: 05<sup>th</sup> March 2026

Accepted: 08<sup>th</sup> March 2026

Online: 09<sup>th</sup> March 2026

### KEYWORDS

“жамоат хавфсизлиги”, “жамоат тартиби”, “ҳуқуқий меъёрлар”, “ахлоқий меъёрлар”, “давлат хавфсизлиги”, “ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар”.

### ABSTRACT

*Мазкур мақолада жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартиби тушунчаларининг илмий-назарий асослари таҳлил қилинган бўлиб, бу борада миллий ва хорижий ҳуқуқшунос олимларнинг илмий тадқиқот ишлари, фикр ва мулоҳазалари атрофлича ўрганилган ва таҳлил қилинган. Шунингдек, замонавий олимларнинг жамоат хавфсизлигига оид ёндашувлари қиёсий таҳлил этилган. Илмий адабиётларда жамоат хавфсизлиги тушунчасига нисбатан ягона ёндашув мавжуд эмаслиги, унинг мазмуни турли омиллар ва хавф-хатарлар билан боғлиқ ҳолда талқин этилиши асослаб берилган.*

Бугунги кунда “Жамоат хавфсизлиги” тушунчаси илмий доираларда жуда кўп қўлланилади. Шу билан бирга ҳуқуқни муҳофаза

қилувчи ва турли ижро этувчи давлат органларининг амалий фаолиятида алоҳида йўналиш сифатида қаралсада аммо ҳанузгача мазкур тушунча



юзасидан якдил ёндашув мавжуд эмас. Шу сабабли, жамоат хавфсизлиги тушунчасининг мазмунини аниқлаш масаласида илмий адабиёт ва амалдаги қонунчиликни комплекс таҳлил қилиш мақсадга мувофиқдир.

Ўтган асрнинг 60-йилларда жамоат тартиби тушунчасига оид икки асосий концепция М.И. Еропкин ва А.В. Серёгин томонидан илгари сурилган.

М.И. Еропкин жамоат тартибини қуйидагича таърифлайди: “Жамоат тартиби – бу бутун халқ манфаатлари билан белгиланган, ҳуқуқ нормалари, ахлоқ, жамоавий ҳаёт қоидалари ва урф-одатлар билан тартибга солинувчи идоравий жамоавий муносабатлар тизими бўлиб, асосан жамоат жойларида шаклланади. Шунингдек, жамоат жойларидан ташқарида ҳам вужудга келадиган ва ривожланадиган, лекин ўз моҳиятига кўра фуқароларнинг ҳаёти, соғлиги, шаънини ҳимоя қилиш, халқ мулкани мустаҳкамлаш, жамиятда осойишталикни таъминлаш ҳамда корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг фаолият юритиши учун нормал шароит яратишга хизмат қилувчи жамоавий муносабатлар тизимидир”<sup>1</sup>.

А.В. Серёгин эса жамоат тартибини қуйидагича тавсифлайди: “Бу – ҳуқуқ нормалари ва бошқа ижтимоий меъёрлар билан тартибга солинувчи жамоавий муносабатлар тизими бўлиб, уларнинг шаклланиши, ривожланиши ва муҳофазаси

фуқароларнинг жамият ва шахсий тинчлигини сақлаш, уларнинг шаъни, кадр-қиммати ва жамоат ахлоқини ҳурмат қилишни таъминлайди”<sup>2</sup>.

Ушбу концепциялар ўртасидаги асосий фарқ шундаки, М.И. Еропкин жамоат тартибини шарҳлашда муносабатлар шаклланадиган жой, яъни жамоат жойларини асосий мезон сифатида олади, А.В. Серёгин эса эътиборни муносабатлар мазмунига қаратади – яъни уларнинг ахлоқий ва ҳуқуқий моҳиятини устувор деб ҳисоблайди.

Концепциялар ўртасидаги умумий жиҳатларга тўхталадиган бўлсак, ҳар икки олим ҳам жамоат тартибини ҳуқуқий ва ахлоқий меъёрлар билан тартибга солинадиган ижтимоий муносабатлар тизими сифатида қабул қилади. Масалан, А.В. Серёгин жамоат тартибини жамоат ахлоқи билан яқин боғлиқ ҳолда кўради, бу эса жамоат тартибининг фақат ҳуқуқий эмас, балки ахлоқий негизга эга эканлигини таъкидлайди.

Демак, юқоридаги концепциялардан умумий хулоса чиқарадиган бўлсак, жамоат тартиби нафақат жамоат жойларидаги ҳаракат ва муносабатларни, балки фуқароларнинг тинчлиги, хавфсизлиги, ахлоқий қадриятлари ва шахсий кадр-қимматини таъминлашга қаратилган кенг қамровли ижтимоий муносабатлар тизимидир.

Шундай қилиб, бугунги кунда “жамоат хавфсизлиги” тушунчаси

<sup>1</sup> Еропкин М.И. Управление в области охраны общественного порядка. М., 1951. ст. 7.

<sup>2</sup> Серёгин А.В. Советский общественный порядок и административно-правовые средства его укрепления. М., 1975., ст. 4.



атрофида ҳам турли фикр ва қарашлар шаклланган бўлиб ҳозирги кунга қадар бу борада ягона ёндашув мавжуд эмас. Хусусан, М.Х. Рустамбаев жамоат хавфсизлиги тушунчасига жамият ҳаётининг хавфсиз шароити, яъни шахсларнинг дахлсизлиги, фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғи, жисмоний

ва юридик шахсларнинг мулкӣ манфаатлари, ҳар қандай давлат ёки жамоат бирлашмаларининг бир меъёрда иш олиб борилиши таъминловчи ижтимоий муносабатдир сифатида таъриф берган<sup>3</sup>.

И.Р. Алижонов эса жамоат хавфсизлигини жамиятнинг ҳаётӣ муҳим манфаатларининг ички ва ташқи хавф-хатарлар, таҳдидлар ва тажовузлардан ҳимояланганлик ҳолати сифатида тушунтиради<sup>4</sup>.

А.Ф. Жолдасов жамоат хавфсизлиги деганда шахс, жамият ва давлатнинг ҳаётӣ манфаатларини тўсқинликсиз рўёбга чиқаришни таъминлашга, потенциал ёки реал хавф туғдирувчи шарт-шароитлар ва омилларнинг олдини олишга, маҳаллийлаштиришга ва бартараф этишга қаратилган ижтимоий муносабатларни етарли даражада ҳимоя қилиш ҳолати тушунилиши керак деб ҳисоблайди<sup>5</sup>.

П.Г. Шагилов жамоат хавфсизлиги деганда шахс, жамият ва давлатнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, моддий ва маънавий қадриятларини, шу жумладан шаъни ва қадр-қиммати, ҳаёти ва соғлиғини ҳар хил жиноятлар, ижтимоий ва этник низолар, шунингдек, табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлар, маъмурий ва бошқа турдаги ижтимоий хавфли қилмишлардан, ҳуқуқбузарлик ва жиноятлардан ҳимоя қилинганлик ҳолати тушунилишини таъкидлайди<sup>6</sup>.

Л. Рогозин жамоат хавфсизлигини табиий офатлар ёки бошқа махсус шароитлар билан боғлиқ ҳолда, алоҳида шароитлар юзага келганда жамият учун ортиб бораётган хавф туғдирувчи объектлардан фойдаланган ҳолда, ҳуқуқӣ нормаларга мувофиқ шаклланадиган жамоат муносабатлари тизими сифатида талқин қилади<sup>7</sup>.

С.И. Гиркони́нг фикрича, жамиятни ички ва ташқи таҳдидлардан ҳимоя қилиш сифатида жамоат хавфсизлиги жуда муҳим назарӣ ва амалӣ муаммо эканлигини кўрсатади, уни ҳал қилиш, бошқа ижтимоий муносабатлар қатори, мамлакатда жамоат хавфсизлигини таъминлаш

<sup>3</sup> Rustambayev M.X. O'zbekiston Respublikasi Jinoyat kodeksiga sharhlar 3-tom (maxsus qism).– T: «Yuridik adabiyotlar publish», 2021. – 324-B.

<sup>4</sup> Jamoat xavfsizligini ta'minlash sohasining huquqiy asoslarini takomillashtirish

<sup>5</sup> А.Ф. Жолдасов. Жамоат хавфсизлиги: тушунчаси, таърифи ва ўзига хос хусусиятлари // Academic Research in Educational Sciences VOLUME 2 | ISSUE 12 | 2021 ISSN: 2181-1385 Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723 Directory Indexing of International Research Journals-CiteFactor 2020-21: 0.89 DOI: 10.24412/2181-1385-2021-12-1163-1174

<sup>6</sup> П.К. Шагилов. Жамоат хавфсизлиги тушунчаси ва ўзига хос хусусиятлари // Academic Research in Educational Sciences VOLUME 2 | ISSUE 12 | 2021 ISSN: 2181-1385 Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723 Directory Indexing of International Research Journals-CiteFactor 2020-21: 0.89 DOI: 10.24412/2181-1385-2021-12-1197-1205

<sup>7</sup> Попов Л.Л. Административное право (вопросы административно-юрисдикционной деятельности органов внутренних дел). М.: Академия МВД СССР. 1983. 280 с.



бўйича ҳуқуқни муҳофаза қилиш стратегиясини белгилашга бевосита боғлиқ<sup>8</sup>.

Л.Л. Поповнинг фикрича, жамоат хавфсизлиги деганда одамлар ва умуман жамият учун ортиб бораётган хавф-хатарни келтириб чиқарадиган объектлар ва объектлардан фойдаланишда, алоҳида шароитлар, табиий офат ёки ижтимоий ёки техноген хусусиятдаги бошқа фавқулодда вазиятлар юзага келганда, ҳуқуқий, техник ва бошқа турдаги нормаларга мувофиқ юзага келадиган жамоат муносабатлари тизими тушунилади<sup>9</sup>.

С.В. Степашиннинг таъкидлашича, жамоат хавфсизлиги бу ижтимоий муносабатларнинг сифат ҳолатини, жамиятнинг муайян тарихий ва табиий шароитларда изчил ривожланишини таъминлаш, турли омиллар таъсирида мазмуни ва йўналишини ўзгартирадиган ички ва ташқи келишмовчиликлардан келиб чиқадиган хавф-хатарлардан ҳимоя қилишдир<sup>10</sup>.

А.Р. Гегамов жамоат хавфсизлигини жамият манфаатларининг ҳуқуқий жиҳатдан ҳимояланганлигининг зарур ва етарли даражаси бўлиб, у жамиятнинг хавфсиз шароитда мавжуд бўлишини таъминлайди деб ҳисоблайди, шунингдек ушбу

муаллиф жамоат тартибини жамият манфаатларининг ҳуқуқий жиҳатдан ҳимояланганлигининг зарур ва етарли даражаси бўлиб, у одамларнинг жамоат жойларидаги ўзаро муносабатларини тартибга солувчи ҳуқуқий ва ахлоқий меъёрлар асосида жамиятда тинчлик ва осойишталикни таъминлайди<sup>11</sup> деб изоҳлайди.

И.Н. Данишнинг фикрича, жамоат тартиби — бу фуқаролар томонидан ҳуқуқий меъёрлар ва ҳуқуқий бўлмаган (ахлоқий, одоб-ахлоқ, урф-одат каби) қоидаларга онгли ва ихтиёрий риоя этиш жараёнида шаклландиган идоравий жамоавий муносабатлар тартибидир. Бу тартиб инсонлар ўртасидаги мулоқот соҳасида намоён бўлиб, ривожланган жамият шароитида одамларнинг уйғун ва барқарор ҳамжиҳат ҳаётини таъминлайди<sup>12</sup>.

М.З. Зиёдуллаев эса жамоат тартиби ва жамоат хавфсизлиги тушунчаларини ўзаро боғлаган ҳолда жамоат тартибини жамоат хавфсизлиги, жисмоний ва юридик шахсларнинг нормал фаолият кўрсатиши, меҳнат қилиши ва дам олиши учун шароит яратишга, шаъни, қадр-қимматини ҳамда умуминсоний қадриятларни ҳурмат қилишга йўналтирилган ҳуқуқий ва ижтимоий-ахлоқий нормалар асосида

<sup>8</sup> Гирько С.И. Обеспечение общественной безопасности в системе мер защиты личности, общества и государства: состояние, проблемы, перспективы // Административное право и процесс. 2009. № 5. С. 8.

<sup>9</sup> Административное право/под ред. Л.Л.Попова. М.: Юрист, 2002. 699 с.

<sup>10</sup> Степашин С.В. Теоретико-правовые аспекты обеспечения безопасности в Российской Федерации: дис. ... докт. юрид. наук. СПб., 1994. 246 с.

<sup>11</sup> Гегамов А.Р. Насильственные преступления против общественной безопасности и общественного порядка и уголовно-правовой механизм назначения справедливого наказания. Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. Саратов-2011 ст. 8.

<sup>12</sup> Данышин И. Н. Уголовно-правовая охрана общественного порядка. Харьков, 1971. Ст. 68.



жамоат жойларида юзага келадиган ва ривожланадиган ижтимоий муносабатлар тизими, сифатида жамоат хавфсизлигини эса шахс, жамият ва давлатнинг ҳуқуқбузарликлар, бошқа ғайриижтимоий хулқ-атвор таъсири, табиий, техноген ва ижтимоий хусусиятга эга бўлган фавқулодда ҳолатлар оқибатларидан ҳимояланганлик ҳолати сифатида таърифлаган<sup>13</sup>.

К.С. Бельский жамоат хавфсизлигини диний, миллий ва меҳнат асосидаги низолар йўқ бўлган ҳолат деб таъкидлайди. Ушбу жиҳатда жамоат хавфсизлиги — бу жамоат тинчлиги ва фуқароларнинг ҳар қандай таҳдидлар ва ҳаракатлардан ҳимояланганлигига бўлган ишончи таъминланган ҳолат ҳисобланади, бу эса ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, айниқса полиция органлари тизими орқали таъминланади<sup>14</sup>.

В.М. Васиннинг фикрига кўра, жамоат хавфсизлигини бир вақтнинг ўзида бир нечта жиҳатларда аниқлаш мақсадга мувофиқ: бошқарув, маъмурий-ҳуқуқий ва ахборот-ҳуқуқий жиҳатларда. Унинг таърифича, жамоат хавфсизлиги – бу шахс ва жамият ҳаёт фаолияти жараёнида, давлат органлари, жамоат ташкилотлари ва фуқароларнинг ҳуқуқ, эркинлик ва қонуний манфаатларини амалга ошириш жараёнида юзага келадиган,

маъмурий ва ахборот ҳуқуқи нормалари билан ҳимояланган муайян жамоат муносабатлари мажмуаси ҳисобланади<sup>15</sup>.

Е.Б. Ольховский жамоат хавфсизлиги тушунчасини кенг ва тор маънода кўриб чиқади. Унинг фикрига кўра, жамоат хавфсизлиги кенг маънода – бу давлат, жамиятнинг нормал фаолияти ҳамда ҳар бир фуқарога тинч ва хавфсиз муҳит яратишга қаратилган ҳуқуқий, жумладан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи чоралар мажмуасидир. Тор маънода эса – жамоат жойларида инсонлар ҳаёт фаолияти, уларнинг мулоқоти жараёнида юзага келадиган идоравий жамоат муносабатлари тартиби бўлиб, бу фаолият цивилизациялашган жамиятнинг одат ва қоидаларига мос ҳолда ҳуқуқий нормалар билан тартибга солинади. Муаллифга кўра, жамоат хавфсизлигининг тор маънодаги мазмунига жамоат хавфсизлиги соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш ва давлат органларининг, жумладан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг амалий фаолиятини назарда тутувчи ҳуқуқий ва ташкилий чоралар мажмуаси киради<sup>16</sup>.

А.И. Парубовнинг фикрига кўра, жамоат хавфсизлиги – бу жамиятда юзага келадиган ва ҳуқуқий ҳамда техник нормалар билан тартибга солинадиган муносабатлар тизими бўлиб, одамларнинг ҳаёти, соғлиғи ва

<sup>13</sup> Зиёдуллаев М.З. “Жамоат тартиби” ва “жамоат хавфсизлиги” тушунчаларининг моҳияти ва ҳамда ўзаро боғлиқлиги // Ҳуқуқий тадқиқотлар журнали. – Тошкент, 2018. – № 7. – Б. 56–60.

<sup>14</sup> Бельский К.С. Полицейское право / под ред. А. В. Куракина. М.: Изд-во «Дело и Сервис», 2004. Ст. 261–266.

<sup>15</sup> Васин В.Н. Право на общественную безопасность. М.: Иид-во «Щит», 1999. ст. 81.

<sup>16</sup> Ольховський С.Б. Адміністративно-правові засоби забезпечення громадської безпеки: дис. ... канд. юрид. наук. Х., 2003. Ст. 37.



мулк хавфсизлигини таъминлашга, шунингдек улар учун хавфли таҳдидларнинг олдини олишга йўналтирилгандир<sup>17</sup>.

А.Н. Позднышев жамоат хавфсизлигини жамият тизимининг ҳаёт фаолиятининг ҳолати ва шароити сифатида таърифлайди. Унинг фикрига кўра, жамоат хавфсизлиги ижтимоий тизимнинг ўз функцияларини бажариш сифати, ҳамда ички ва ташқи номаъқул шартларда барқарор ҳолатда сақланиш қобилияти сифатида намоён бўлади, бу эса хавфсизлик муаммоларини ҳал қилиш имкониятини ҳам ўз ичига олади<sup>18</sup>. Аммо ушбу таърифнинг камчилиги шундаки: биринчи — бу таъриф жамоат хавфсизлигини таъминлашнинг асосий мақсадини акс эттирмайди; иккинчи — ҳимоя объекти аниқ белгиланмаган, бу эса давлат сиёсатини амалга оширувчи субъектларнинг вазифа ва функцияларини аниқлашда муҳим аҳамият касб этади.

А.И. Сапожников ўзининг “Жамоат хавфсизлигининг маъмурий-ҳуқуқий режими” номли диссертация тадқиқотида жамоат хавфсизлигининг маъмурий-ҳуқуқий режими деб давлат органларининг махсус ҳуқуқий режими фаолиятини тушуниш лозимлигини таъкидлайди. Бу фаолият рухсат бериш, назорат қилиш ва мажбурлаш методларига

асосланиб, жамоат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган ижтимоий-объектив ва ҳуқуқий чораларни ўз ичига олади<sup>19</sup>. Олим ушбу режимни махсус маъмурий-ҳуқуқий режимларга киритади ва қуйидаги турларини ажратади: ижтимоий хавфсизлик, йўл ҳаракати хавфсизлиги, ёнғин хавфсизлиги, санитария хавфсизлиги, техноген хавфсизлик. Ушбу режимларнинг аниқ турлари ва уларнинг амал қилиш доираси уларнинг мақсади, мамлакат ёки ҳудуддаги вазиятдан келиб чиқиб белгиланади.

Шу каби позицияни Н.А. Босхамджиева ҳам ўз тадқиқотларида баён этган. Олимнинг фикрича, жамоат хавфсизлиги ўз ичига қуйидаги институтларни олади: терроризмга қарши курашиш институти; экстремизмга қарши курашиш институти; жиноятчилик ва бошқа ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш институти; коррупцияга қарши курашиш институти; аҳолини табиий ва техноген характердаги фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш институти; ноқонуний миграцияга қарши курашиш институти; жамоат хавфсизлигининг алоҳида турларини таъминлаш институтлари (ёлқин, кимёвий, биологик, ядровий, радиацион, гидрометеорологик, саноат ва транспорт хавфсизлиги); жамоат хавфсизлигини таъминлаш

<sup>17</sup> Парубов А.И. Организационно-правовое обеспечение охраны общественного порядка и общественной безопасности в региональных подсистемах предупреждения и ликвидации последствий чрезвычайных ситуаций: дис. ... канд. юрид. наук. М., 2003. ст. 33.

<sup>18</sup> Позднышев А.Н. Институт государственной службы в сфере обеспечения общественной безопасности (теоретико-методологические проблемы): дис. ... докт. юрид. наук. М., 2003. ст. 34.

<sup>19</sup> Сапожников А.И. Административно-правовой режим общественной безопасности: дис. ... канд. юрид. наук. М., 2005. ст. 64, 70–71.



масалалари бўйича халқаро ҳамкорликни ривожлантириш институти; экологик хавфсизлик институти; ахборот хавфсизлиги институти; озиқ-овқат хавфсизлиги институти<sup>20</sup>.

Ю.Ю. Басова “жамоат хавфсизлиги”нинг мазмунини аниқлаш бўйича олиб борган таҳлилларига асосида қуйидаги хулосаларни билдиради:

*биринчидан*, бу етарли даражадаги ҳимояланганлик ҳолатидир. Бундай ҳолат шахс, жамият ва давлат учун ҳақиқий ёки потенциал хавф-хатарлар мавжуд эмаслигини ва ушбу ҳолатни қўллаб-қувватловчи чоралар мавжудлигини англатади, бу эса аҳолида ҳимояланганлик ҳиссини шакллантиради. Жамоат хавфсизлигини самарали таъминлаш фуқароларнинг амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган ҳуқуқларини, хусусан шахсий ҳуқуқларини хавфсизлик ва жамоат осойишталиги шароитида амалга ошириш имконини беради. Бошқа сўз билан айтганда, турли хил таҳдидлар йўқ шароитда фуқаролар ўз ҳаёти, соғлиғини муҳофаза қилиш, шахсий дахлсизлик, меҳнат, яшаш жойини эркин танлаш, дам олиш ҳуқуқларини хавфсизлик ва гигиена талабларига жавоб берадиган шароитларда амалга оширишлари мумкин;

*иккинчидан*, жамоат хавфсизлиги умумий ва махсус ваколатга эга давлат ҳокимияти органлари, нодавлат ташкилотлар ва фуқаролар

тизими орқали таъминланади. Шу муносабат билан жамоат хавфсизлиги давлат томонидан таъминланади ва агарда муҳофаза қилинаётган объектлар учун хавф туғдирадиган вазият юзага келса, давлат ваколатли ҳокимият органлари орқали бундай хавфларни бартараф этиш мақсадида фавқулодда, истисно ва вақтинчалик чора-тадбирларни амалга ошириши шарт;

*учинчидан*, жамоат хавфсизлигини таъминлаш энг самарали равишда жамоат тартиби мавжуд бўлган ҳолда амалга оширилади. Илгари ўтказилган таҳлиллар шуни кўрсатадики, барқарор жамоат тартибсиз жамоат хавфсизлигини самарали таъминлаб бўлмайди. Шу сабабли, жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда кўпинча «жамоат хавфсизлиги» ва «жамоат тартиби» атамалари ўзаро боғлиқ ва шартли тушунчалар сифатида қўлланилади;

*тўртинчидан*, жамоат хавфсизлигини таъминлаш мажбурий равишда маълум нормалар тизими (одатда, ҳуқуқий) асосида тартибга солинади. Бу белги шундан далолат берадики, аҳолини ҳуқуқбузарликлар ва турли хил таҳдидлардан ҳимоя қилиш ҳуқуқ нормалари асосида амалга оширилади. Шуни таъкидлаш керакки, ҳуқуқ нормалари жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги кўплаб ижтимоий

<sup>20</sup> Босхамджиева Н.А. Административно-правовые основы обеспечения общественной безопасности в Российской

Федерации: дис. ... докт. юрид. наук. М., 2013. ст. 55–58.



муносабатларни, айниқса, фавақулдда ҳолатларда тартибга солади, жумладан: инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини амалга ошириш тартиби, жамоат хавфсизлиги соҳасида фуқароларнинг хулқ-атвори чегаралари, жисмоний ва юридик шахслар томонидан жамоат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган муайян ҳаракатларни амалга ошириш бўйича вақтинчалик мажбуриятлар, ҳуқуқбузарлик турлари белгиланади, яъни фақат ҳуқуқ нормалари орқали жамоат хавфсизлигига тажовуз қилиши мумкин бўлган барча ҳаракатлар рўйхати белгилаб қўйилади – ҳам одатий ҳаёт шароитида, ҳам фавақулдда вазиятлар шароитида.

Юқоридагилардан келиб чиқиб жамоат хавфсизлигига оид асосий ёндашувларни қуйидагича таснифлаш мумкин:

жамоат хавфсизлиги – бу жамиятнинг ҳимояланганлик ҳолати ҳисобланади. Унга кўра, жамоат хавфсизлиги шахс, жамият ва давлатнинг реал ёки потенциал таҳдидлардан етарли даражада ҳимоя қилинганлигини англатади. Бу аҳолида осойишталик ва хавфсизлик ҳиссини шакллантиради. (Ю.Ю. Басова, А.Ф. Жолдасов);

жамоат хавфсизлиги – ҳуқуқий, ахлоқий ва техник нормаларга асосланган тизим. Жамоат хавфсизлиги ҳуқуқий нормалар орқали тартибга солинади ва ушбу нормалар турли таҳдидларга қарши қонуний чоралар кўришни белгилайди. Шу билан бирга жамоат ахлоқ, урф-одат, расм-русм, анъана каби ижтимоий нормалар билан ҳам тартибга солинади. жамоат хавфсизлигига оид техник норма жамоат хавфсизлигини таъминлашга хизмат қиладиган техник стандартлар, эталон кабилардан иборат (М.Х. Рустамбаев, Л.Л. Попов, А.И. Парубов);

жамоат хавфсизлиги – ижтимоий муносабатларнинг махсус ҳолати. У муайян тарихий, табиий ёки ижтимоий шарт-шароитларда фаолият юритувчи жамият тизимининг барқарорлиги ва ўзини сақлаб қолиш қобилиятини ифодалайди (А.Н. Позднышев, С.В. Степашин);

жамоат тартиби – хавфсизликнинг асосий шарти. Жамоат хавфсизлигини самарали таъминлаш учун барқарор жамоат тартиби зарур. Бу икки тушунча ўзаро боғлиқ ва бир-бирини тўлдиради.

## References:

1. Еропкин М.И. Управление в области охраны общественного порядка. М., 1951. ст. 7.
2. Серегин А.В. Советский общественный порядок и административно-правовые средства его укрепления. М., 1975., ст. 4.
3. Rustambayev M.X. O'zbekiston Respublikasi Jinoyat kodeksiga sharhlar 3-tom (maxsus qism).– T: «Yuridik adabiyotlar publish», 2021. – 324-B.



4. А.Ф. Жолдасов. Жамоат хавфсизлиги: тушунчаси, таърифи ва ўзига хос хусусиятлари // Academic Research in Educational Sciences VOLUME 2 | ISSUE 12 | 2021 ISSN: 2181-1385 Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723 Directory Indexing of International Research Journals-CiteFactor 2020-21: 0.89 DOI: 10.24412/2181-1385-2021-12-1163-1174
5. П.К. Шагилов. Жамоат хавфсизлиги тушунчаси ва ўзига хос хусусиятлари // Academic Research in Educational Sciences VOLUME 2 | ISSUE 12 | 2021 ISSN: 2181-1385 Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723 Directory Indexing of International Research Journals-CiteFactor 2020-21: 0.89 DOI: 10.24412/2181-1385-2021-12-1197-1205
6. Попов Л.Л. Административное право (вопросы административно-юрисдикционной деятельности органов внутренних дел). М.: Академия МВД СССР. 1983. 280 с.
7. Гирько С.И. Обеспечение общественной безопасности в системе мер защиты личности, общества и государства: состояние, проблемы, перспективы // Административное право и процесс. 2009. № 5. С. 8.
8. Административное право/под ред. Л.Л.Попова. М.: Юрист, 2002. 699 с.
9. Степашин С.В. Теоретико-правовые аспекты обеспечения безопасности в Российской Федерации: дис. ... докт. юрид. наук. СПб., 1994. 246 с.
10. Гегамов А.Р. Насильственные преступления против общественной безопасности и общественного порядка и уголовно-правовой механизм назначения справедливого наказания. Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. Саратов-2011 ст. 8.
11. Даньшин И. Н. Уголовно-правовая охрана общественного порядка. Харьков, 1971. Ст. 68.
12. Зиёдуллаев М.З. “Жамоат тартиби” ва “жамоат хавфсизлиги” тушунчаларининг моҳияти ва ҳамда ўзаро боғлиқлиги // Ҳуқуқий тадқиқотлар журнали. – Тошкент, 2018. – № 7. – Б. 56–60.
13. Бельский К.С. Полицейское право / под ред. А. В. Куракина. М.: Изд-во «Дело и Сервис», 2004. Ст. 261–266.
14. Васин В.Н. Право на общественную безопасность. М.: Иид-во «Щит», 1999. ст. 81.
15. Ольховський С.Б. Адміністративно-правові засоби забезпечення громадської безпеки: дис. ... канд. юрид. наук. Х., 2003. Ст. 37.
16. Парубов А.И. Организационно-правовое обеспечение охраны общественного порядка и общественной безопасности в региональных подсистемах предупреждения и ликвидации последствий чрезвычайных ситуаций: дис. ... канд. юрид. наук. М., 2003. ст. 33.
17. Позднышев А.Н. Институт государственной службы в сфере обеспечения общественной безопасности (теоретико-методологические проблемы): дис. ... докт. юрид. наук. М., 2003. ст. 34.
18. Сапожников А.И. Административно-правовой режим общественной безопасности: дис. ... канд. юрид. наук. М., 2005. ст. 64, 70–71.



19. Босхамджиева Н.А. Административно-правовые основы обеспечения общественной безопасности в Российской Федерации: дис. ... докт. юрид. наук. М., 2013. ст. 55–58.